

Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 6524,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси куйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	6524,6	103,5	100
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	3,0	112,4	0,046
нодавлат мулки	6521,6	103,5	99,994
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	4861,1	101,9	74,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 393,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,6 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябр ойларида 5060,3 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,3 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	6524,6	103,5	100
шу жумладан:			
савдо корхоналари	393,4	97,6	6,0
якка тартибдаги тадбиркорлик	5060,3	105,3	77,6
уюлмаган сектор(ташқил этилмаган савдофаолияти)	1070,9	97,9	16,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 120,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 91,6 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 101,6 фоизга ошди ва 1774,6 минг сўмни ташқил этди (2016 йил январь-сентябр ойиларида 1517,9 минг сўмни ташқил этган).

2017 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4862,5 млрд. сўмни ташқил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1703,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 35,0 фоизини ташқил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 104,5 фоизни ташқил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрида қуйидагича ифодаланади:


	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	4862,5	104,5	100,0
шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	387,1	120,1	8,0
молиявий хизматлар	464,2	127,8	9,5
транспорт хизмати	906,0	100,8	18,6

	млрд. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан автотранспорт хизматлари	823,0	99,3	16,9
яшаш ва овқатланиш хизматлари	143,4	106,5	2,9
савдо хизматлари	1707,4	99,0	35,0
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	168,0	101,0	3,5
таълим соҳасидаги хизматлар	218,2	110,7	4,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	81,3	109,9	1,7
ижара ва прокат хизматлари	192,5	100,5	4,0
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	187,3	101,4	3,9
бошқа шахсий хизматлар	237,7	100,9	4,9
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	34,1	105,3	0,7
бошқа турдаги хизматлар	135,3	106,5	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,0 фоизи), транспорт (18,6 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (127,8 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (120,1 фоиз), соғлиқни сақлаш (109,9 фоиз) ва яшаш ва овқатланиш хизматларида (106,5 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-сентябрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари куйидагича:



- Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати
- Молиявий хизматлар
- Транспорт хизмати
- Яшаш ва овқатланиш хизматлари
- Савдо хизматлари
- Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар
- Таълим соҳасидаги хизматлар
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар
- Ижара ва прокат хизматлари
- Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари
- Бошқа шахсий хизматларлуги
- Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар
- Бошқа турдаги хизматлар